



# ХАБАР

خبر

Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги нашри

1992 йил мартдан чиқа бошлаган ● 1997 йил, 26 декабрь № 52 (280)

Сотувда нархи эркин

## ПЛЕНУМ ЎТКАЗИЛДИ

Ўзбекистон алоқа ходимлари касба уюшмаси Марказий Кумитасининг V пленуми бўлиб ўтди. Уни Марказий Кумита раиси Т. Назаржонов бошқариб, «Бозор иқтисодий-ти шароитларида тармоқ касба уюшмасининг ички фаолияти ва тузилмасини такомиллаштириш туғрисида» маъруза қилди. Маърузачи бозор ислохотларининг ҳозирги босқичида Ўзбекистон раҳбарияти томонидан олиб борилаётган барча ишлар касба уюшмалари манфаатлари билан тула мос келганлиги, бу — 1997 йилни Президентимиз томонидан Инсон манфаатлари йили деб эълон қилинишида намоён бўлганлигини айтиб ўтди. Янги — 1998 йилнинг Оила йили деб эълон қилиниши, Президентимизнинг ушбу ташаббуси

давлат ва касба уюшмалари манфаатлари билан уйғунлашиб кетганлигини, олдимизда янги ижтимоий вазибалар турганлигини таъкидлади.

Музокараларда Наманган, Сирдарё, Тошкент, Сурхондарё вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси алоқа ходимлари бирлашган касба уюшма кумиталари раислари М. Муқимов, Э. Турдибоев, Л. Сердоқова, А. Даминов, Н. Раимовалар сузга чиқиди.

Пленум қатнашчилари Марказий Кумитанинг 1997 йилда бажарган ишлари туғрисидаги ҳисобот билан танишдилар. Пленумда қурилган масалалар юзасидан Ўзбекистон алоқа ходимлари касба уюшмаси Марказий Кумитасининг қарорлари қабул қилинди.

И. АХМЕДОВ



Фаргона вилояти, Яйпан тумани электралоқа боғламасининг илғор телефончиларидан бири Одинахон МАМАЮСУПОВА 30 йилдан буён бир касбда самарали меҳнат қилиб келмоқда.

## ЯХШИЛАР ЁРДИР МЕНГА...

*Ушанда сўнги бор ишга бораётганимни ва бир умр ногирон бўлиб қолишимни асло билмас эдим. Наврора, 1995 йил 14 апрель оқшомидаги воқеа мени севишли соҳамдан узоқлаштириб қўйди.*

Маҳаллий вақт билан кеч соат 8.00 да ширакайф йилит келиб, дағдага қила бошладим. Мен унга бир киши Марғилон билан гаплашаётганини айтиб, тиңчитмоқчи бўлдим. Йилитча баттар «пер» будди. Хизматхонам даричасини қаттиқ очиб юбориб, бошимга жароҳат етказди. Кейин эса «тиж бу ёкка» дея дўқ-пути-са қила бошладим.

Қулла, ароқнинг оқлиги, қилмиши қоралиги яна бир қарра бўлинди. У соғимдан тортишни етмагандай, ерга етказиб ура бошладим. Шу ерда қон боснимни очиб, ҳўшдан кетибман. Хайрият, яхши одамлар бор экан, мени тезда Музработ марказий шифохонасига олиб боришди.

Мана, қарийб уч йил бўляптики 1-гурух ногирони сифатида уйда ўтирибман. Худога шўкур, фаранцларим урнимни бегона қилишмасди. Ҳозир Янгибод алоқа бўлимида ўғлим Раппан, қи-

зим Фароғат ва келиним Шониралар меҳнат қилишмоқда. Улар 400 нафардан ортиқ абонентга сўлдидилан хизмат қилишяпти.

Бир кунни радио тинглаб турган эдим, «Яхшилар ердир менга» номли кўншқ диққатимни тортиди. Истагим — юртимизда яхшилар доимо бор ва бисер бўлсин. Буни мен бошга ташвиш тушганда яққол сездим. Аҳволдан тинлиб электралоқа корхонаси бошлиғи Олимжон Эшоннов уз вақтида хабар олиб, тезроқ соғайшим учун далда бериб, илиқ суз айтдилар. Музработ тумани алоқа боғламаси бошлиғи Сафар Тошбоев жамоатнинг молдий ерламини ташкил этди. Ҳозир ҳам ҳар бир байрамда мени йўқлаб туришадилар.

Мен алоқа соҳасида 10 йил меҳнат қилдим. Шу қисқа вақт ичида бир оддий ҳодим сифатида шунчалик иззат-ихром топганимдан қувонаман.

**Муҳаббат РАМАЗОНОВА,**  
«Сурхондарётелеком» шўъба корхонаси  
Музработ филиалининг  
собиқ ходимаси,  
1-гурух ногирони

● **Матбуотда** «Буюк мусавир Камолдин Беход таваллудининг 545 йиллигини нишонлаш туғрисида», шунингдек, «Дам олиш кунини 1998 йил 4 январь яқшабадан 2 январь жумага кўчириш туғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари эълон қилинди.

● Тошкентда 25 декабрь кунини Биринчи қаҳриқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўнинчи сессияси очилди.

● Республикаимиз нашрлари яна биттага бойиди. Ўзбек ва рус тилларида беақли «Автоолам» янги журнали чоп этилди. Журналининг таъсисчиси «Узавтосаноат» уюшмасидир.

● Минскда Беларуссия билан Россия ўртасида ҳарбий ҳамкорлик туғрисидаги шартнома имзоланди.

Суратқаш Тўлқин ЛУТФУЛЛАЕВ

Кўзигул Бобоева Самарқанд вилояти, Нуробод туманидаги «Нурбулок» алоқа бўлимига ун икки йилдан буён етакчилик қилади. Алоқа бўлимининг беш нафар почтачиси галлачиликка ихтисослашган йирик «Каттақўрғон» ижара ҳужалиги меҳнатқашларига астойдил хизмат қилишмоқда.

Қишлоқлар хутор тартибидан, бир-биридан анча узоқда жойлашгани учун ҳар бир почтачанинг қунаро 30-35 чакирминг йўл босиши осон эмас, албатта. Ҳар янги ойнанинг биринчи яримида 25 нафар 1-гурух уруш ногирони, 1200 нафар кўп болали оналар ва меҳнат фахрийларига икки ярим миллион сўмлик давлат

нафақалари тарқатилаяпти. Зойир Усмонов, Хўшман Қурбоннов, Хўшман Бекмуродов каби уруш ногиронлари, Муаззам Қодирова, Гулсара Ортиқова, Ҳикоят Турсунова сингари кўп болали оналар ҳамда Зайтуна

Гильманова, Муқим Бозорова, Моҳира Наврузбоева, Улугбек Мисиров, Аҳрор Бердиевдек узоқгалар ёрдамига муҳтож ёлғиз қариялар, болалиқдан ногиронлар алоқа бўлими ходимларининг хизматидан мамнун бўлишмоқда. Шунингдек, алоқачилар аҳолидан электр қувватидан фойдаланганлик учун ва сугурта тўловларини уз вақтида йиғиб олишяпти, 500 нафар обу-

начиларга матбуот нашрларини етказишмоқда.

Кўп йиллик меҳнатлари эвазига муносиб тақдирланиб келаётган Кўзигул Бобоева етакчилигидаги Хўсанбой Қамбаров, Гулнора Эгамбердиева, Сирожиддин Бобоев, Баҳрон Қодиров, Чиннигул Қамбаров, Сирожиддин Бобоев, Баҳрон Қодиров, Чиннигул Қамбаров ва сингари почтачилар хизмати эл-юртга манзур бўляпти. Намунали хизматга жавобан 550 нафар турли касб эгалари 1998 йил учун 60 минг сўмлик матбуот нашрларига ушўқоқлик билан обуна бўлдилар.

**Насриддин ШҚУВВАТОВ,**  
жамоатчи муҳбир

## ХИЗМАТИ ЭЛГА МАНЗУР

● **Россия Бош прокурори Юрий Скуратов сўнги етти йил ичида Ҳамдўстлик мамлакатлари ўртасида Россияда жиноятчилик энг кўп миқдор-**

**чилик ҳаммаси ҳалок бўлган, деб ҳисобланмоқда. ЯК-42ни қидиришда иштирок этган Греция ҳарбий-ҳаво кучларининг самолёти қалин туман туфайли ҳа-**

**ди яна бир неча марта ортиб кетиши кутилмоқда.**

● **Жанубий-Шарқий Осиё минтақавий ҳамкорлик ташкилоти — АСЕАНга аъзо давлатлар раҳбарларининг навбатдаги олий даражадаги учрашувида Жанубий-Шарқий Осиё ядро қуролдан холи зона, деб эълон қилинди. Хитой ҳукумати ушбу ташаббусни қўллаб-қувватлашини билдирди.**

● **Немис газетаси «Шверинер Абендблат»нинг ёзишича, кўпгина Европа давлатларига иқтисодий инқироз ҳаф солмоқда. Кетма-кет ёққан қор уша мамлакатларнинг қишлоқ хўжалигини буткул издан чиқармоқда.**

## ОЛАМДА НИМА ГАП?

Янгиликлар • Воқеалар • Хабарлар

да ортганлигини расман маълум қилди. Жиноятчиликнинг ўсиши бўйича Россиядан кейинги ўринларда Беларуссия, Украина, Қирғизистон ва Озарбойжон турар экан.

● Уч кўншқ қидирувдан сўнг Греция тоғларида Украина авиакомпаниясига қарашли ЯК-42 йўловчи самолёти қолдиқлари топилди. Ундаги 70 йўлов-

локатга учраган, экипажнинг беш нафар аъзоси ҳалок бўлган.

● **Голливуднинг энг қиммат «Титаник» фильми яратувчиларга 200 миллион долларга тушган эди. Орадан қисқа вақт ўтса-да, у 27 миллион 600 миң доллар даромад келтирди. «Ассошиэтед Пресс» агентлигининг маълумотига қараганда, фильмнинг дарома-**

**Коммутатор цехи** — барча шаҳарлараро телефон станциясининг асосий хизмат бўлими-ларидан биридир. Бу ерда бир кунда қанчадан-қанча одамларнинг узогини яқин қилувчи одамлар ишлашади. Мухбиримизнинг Урганч шаҳарлараро телефон станцияси коммутатор цехи бошлиғи **Р. М. ЙЎЛДОШЕВА** билан суҳбати ўзига хос хизмат соҳибаларининг фаолияти хусусида бўлди.

— **Роза Мухамедовна, аввало, ўзингиз шу соҳага қандай келиб қолганингиз ҳақида сўзлаб берсангиз?**

— Тақдир тақозоси билан Москвада туғилдим. У ерда мактабни, кейинчалик алоқа билим юртини тугатиб, Москва шаҳарлараро телефон станциясида телефончи бўлиб иш бошладим. 1972 йили Урганчга кучиб келиб ва шаҳарлараро телефон станциясига телефончи бўлиб ишга кирдим. Мана ўн йилдири коммутатор цехининг бошлиғиман. Шу йиллар давомида ишимизда анча ижобий ўзгаришлар бўлди. Бошқа шаҳарлар телефон тармоқларига код орқали автомат тарзда қилишни таъминловчи шаҳарлараро телефон станцияси ишга туширилди. Коммутаторларимиздаги рақам тергичларни

## ТЕЛЕФОНЧИЛИК — ҚИЗИҚАРЛИ КАСБ

тастатураларга алмаштирдик, бошқа шаҳарларни зудлик билан улаб берадиган хизмат турини жорий этдик. Барча йуналишлар бўйича халқаро каналлар ташкил этилди.

— **Коммутатор цехида асосан хотин-қизлар ишлашади. Сир эмаски, улар билан ишлашнинг қулайликлари ҳам, қийинчиликлари ҳам йўқ эмас. Сиз бу борада нималар дея olasиз?**

— Гапингиз туғри. Баъзи техник ходимларимизни ҳисобга олмаганда цехда асосан хотин-қизлар ишлашади. Хотин-қизлар бор жойда ҳаммаёқ саранжом-саришта, ораста бўлади. Ичиш, чекиш деган гаплар ҳам йўқ. Лекин ўзига хос қийинчиликлар ҳам йўқ эмас. Масалан, аксарият қизлар ишга келиб, бир-икки йил ишлагач, турмушга чиқишади. Ишимиз узлуксиз ва сменалик, шунинг учун баъзилари энди иш урган, мустақил ишлай бошлаганларида бушаб кетишади. Бушамаганлари ҳам маълум муддатдан кейин ҳомиладорлик таъти-лига, бола туғилгач эса у уч ёшга тулгунга қадар ишга чиқмайдилар. Биринчи «уч йиллик»ка навбатдаги уч йилликлар уланиб кетадиган ҳоллар ҳам бўлади.

Оилада онанинг ўрнини ҳеч ким боса олмайди, шу боис болалари бетоб бўлган вақтларида оналарга касаллик варақаси берил-ди ва улар бу даврда ишга

миятга эга. Оддий иш кун-ларида бир кунда 2000 та-гача, байрам кунлари эса 3000 ва ундан ортиқроқ буюртмани бажаряпмиз.

— **Касбингизнинг ис-**



келмайдилар. Яна аёллар-га хос бўлган турли хил иш-лар борки, улар иш жараё-нига таъсир этмай қол-майди. Бундай ҳолларда ички имкониятларимиздан тула фойдаланиш, касаб-ташкilotи билан келишган ҳолда ходимларимизга ор-тиқча иш соатлари, тунги ва байрам кунларидаги иш соатларига қонунда кўзда тутилганидек қўшимча ҳақ туланади. Одамларнинг ис-такларини инobatга олиш, ходимларни жой-жойига қўйиш, барча ташкилий ма-салаларни зудлик билан ҳал қилиш ҳам муҳим аҳа-

**тиқболи ҳақида ҳам га-пириб берсангиз.**

— Телефон алоқасига, хусусан шаҳарлараро ва халқаро телефон алоқаси-га бўлган талаб кундан-кунга ортиб бормоқда. Гар-чи дунёнинг исталган ери-га код орқали чиқиш мум-кинлиги, бунинг устига уя-ли алоқанинг тез ривожла-наётганига қарамай, ша-ҳарлараро телефон алоқа-си хизматида телефончи-ларнинг ўрни бошқадир. Иш ҳажмининг кундан-кун-га ортиб бориши шундан далolat бериб турибди.

**Тўлқин ЛУТФУЛЛАЕВ**  
суҳбатлашди

Абдуғофур отасининг катта папка кутариб, хат-хабар, газе-та-журналлар кутариб юрганини кечатилик эслайди. Отасининг орқасидан эрганиб, хонадонлар-га газета, хат-хабар тарқатишда кумаклашди. Шу-шу унда ҳам ота касбига иштиёқ кучайди. 1966 йили Пойтўг алоқа боғла-масининг саралаш бўлимига иш-га кирди. Шундан бунен Абдуғо-фурнинг ҳаёти шу даргоҳ билан боғлиқдир. 1992 йилнинг 1 апрелидан бошлаб Пойтўг поч-та алоқа боғламаси бошлиғи ва-

етишмаслиги сабабли қийинчи-ликлар туғилар эди. Эндиликда алоқа боғламаси ўз хизмат транспортга эга бўлди.

Боғламада марказий ва маҳал-лий газета-журналларга обуна қи-лиш муваффақиятли яқунланди. 1996 йили 9276 нусхадаги газе-та-журналларга обуна қилинган бўлса, бу йил 14.156 нусхадаги вақтли матбуот нашрларига аҳо-ли эзилди.

Почта алоқа хизмати турла-ри кун сайин ортиб бормоқда. Тумандаги 19 минг нафардан

— Урта мактабни тамом-лаб, 1973 йили туман алоқа бўлимининг телеграфчиси-га шоғирд бўлиб ишга кир-дим, — дейди Бувайда электралоқа боғламасининг телеграфчиси Холлидахон Эргашева. — Бахтимга ўз ишининг устаси ҳисоблан-ган, ҳозир кексалик гашти-ни сураётган Нафиса Ху-сайинова, Ноила Газизова-лардан шу касб сирларини пухта ўргандим, улардан бе-ҳад миннатдорман.

Мана, Холлидахоннинг те-леграфчилик қила бошлаган-нига ҳам салкам чорак аср

• **Сизга қандай хизмат кўрсатишмоқда?**

## ФИДОЙИ

буляпти. Бу давр ичида у кас-бини ардоқлади, ихлос билан ишлади. Ҳалол меҳнати эва-зига вилоят, туман алоқа кор-хоналарининг фахрий ўрлик-ларига бир неча бор сазовор бўлган.

Бувайда электралоқа боғ-ламасининг бўлим бошлиғи Аҳмадали Камолов Холлидахон ҳақида шундай дейди:

— Холлида ўз касбининг чинакам фидойисидир. Шо-шилинчомаларни ўз вақти-да эгаларига етказди, бу борада ҳали бирор марта ҳам шикоят бўлган эмас. У бир неча ёш алоқачиларнинг устозидир.

**Қ. ТУСУНОВ,**  
жамоатчи мухбиримиз,  
Фаргона вилояти

## ОТ ИЗИНИ ТОЙ БОСАР

зифасини сидқидилдан бажариб келаятир.

Алоқа боғламасининг турли муаммоларини шойишмасдан, ижобий ҳал қилишга одатлан-ган Абдуғофур Хирмоновнинг обр-этибори, хурмати жамоат-чилик уртасида, тумандаги таш-килот, корхона раҳбарлари ора-сида ортиб бораверди. Ўз навба-тида масъулият ҳам кучаяверди. Шу орада у Тошкент Алоқа тех-никумини (ҳозирги Алоқа колле-жи) битириб, почта алоқа тех-ники мутахассислигига эга бўл-ди. Қисқа давр ичида туманда муайян ишлар амалга ошири-лди. Чувама, Шерматобол алоқа бўлимилари учун замонавий би-нолар қад ростланди. Барча қу-лайликларга эга бўлган жиҳоз-лар ўрнатилди. Алоқа уйига то-за ичимлик суви, табиий газ кел-тирилди. Газ ва сувга ҳисобла-гич ўрнатилди. Ортиқча харajat-ларга чек қўйилди. Туман ўра-мидаги 7 та алоқа бўлимилари қисқартирилиб, йирикларига бирлаштирилди.

Илгарилари почта хизматида еланган транспортлардан фойда-ланилар, эҳтиёт қисм, ениги

зиед нафақачига пул тарқатиш билан бирга, электр қуввати ва табиий газдан фойдаланганлик учун хизмат ҳақи, сугурта жа-мғармаси пули йиғиб олинмоқ-да.

Ўбортма, пул жунатмалари ва хат-хабарларни етказишдан 1996 йилда 139400 сум асосий даромад олинган бўлса, бу кўрс-аткич шу йилнинг III-чораги-да 145.100 сумни ташкил этди. Бир алоқачининг ўртача иш ҳа-қи ойига 1996 йилнинг III-чо-рагида 1733 сумга туғри келган эди, 1997 йилнинг III-чорагида 3480 сумга етди.

«Андижон почтаси» ҳиссадор-лик жамиятининг кўрсатмасига асосан Пойтўг почта алоқа боғ-ламасидаги барча бўлимлар таъмирланиб, янги жиҳозлар би-лан таъминланди.

Почтачиларга 50 та велосип-ед тарқатилди. Боғламанинг 22 та алоқа бўлимидаги 96 нафар алоқачи ўз касбига салоҳат би-лан меҳнат қилмоқда.

**Қўлдош ҲОЖИМАТОВ,**  
жамоатчи мухбиримиз,  
Андижон вилояти

## МИТТИ МАГНИТАФОН

Япониянинг «Сони» фирмаси мутахассислари дунёда энг кичкина магнитофон ясадилар.

Магнитофон кассетасининг ҳажми почта маркаси билан тенг бўлиб, қалинлиги 5 мм., узунлиги 3 см., энига 2,15 мм.дан катта эмас.

Кассета стандарт ҳолатидан тўрт марта кичик бўлиши-га қарамай, 2 соат айланади.

## ЧЎНТАК ТЕЛЕВИЗОРИ

Япониянинг «КАСИО» фирмаси «Си-Ви-1» деб номлан-ган рангли чўнтак телевизорини сотувга чиқарди. Экра-нининг диагонали 3,57 см., баланглиги 9,1, эни эса 6 см.га тенг. Қалинлиги 2,4 см., оғирлиги 170 грамм.

Бу телевизорни чўнтақда олиб юриш, хоҳлаган жойда, хоҳлаган дастур кўрсатувларини бемалол томоша қилиш мумкин.

У батарея, машина аккумуляторида, ҳатто 220 вольт кучланишда ҳам ишлайверади.

**БИЛДИРУВ**

Газетамизнинг келгуси сони 9 январда чиқади.

## ТАБРИКЛАЙМИЗ!

Чироқчи тумани электралоқа боғламаси катта телефончиси **Саю-бар АЗАМАТОВА**ни 40 ёшга тулганлиги муносабати билан чин дилдан табриклар, узоқ умр, সিҳат-саломатлик тил-лаймиз.

**Корхона жамоаси**

**ҲУРМАТЛИ**  
**АҲАДЖОН АКА ВА**  
**ИРОДАХОН**  
**КЕЛИНОЙ!**

Сизларни янги йил байра-ми билан табриклайман. Ян-ги йил сизларга бахт-салoвaт келтирсин. Доимо ҳозиргидек аҳил-тoтув, ширин ҳаёт кечир-инглр деб жиянингиз **АДОЛАТХОН**, Тошкент, Юнусобод тумани

Абу Лайс ас Самарқандий

# ТАРБИЯ ВА ТАРБИЯТ

Абу Толиб ҳазратлари ғойибдан Расулulloҳ жанобларига шундай савол бердилар:

— Жамиятдаги қусурлар, кишилар қалбидаги нопоклик қайдан пайдо бўлган? Парвардигоримиз барчамизни бир покиза аҳоқлардан бахраманд этганлар-ку?!

Ғойибдан анча вақт жавоб бўлмади.

Орадан бир қанча муддат утганидан сунг, кунларнинг бирида ҳазратнинг ҳузурига киши келиб, ўглининг юриш-турушидан шикоят қилиб, унга яхши тарбия беролмаганидан, эл-юрт олдидан юзи шувут бўлганидан нола қилибди.

— Авф этгайлар, — дедилар Абу Толиб, — ким бўлури-сиз, қаерликсиз?

— Мени танимаганингиз табиий...

— Саволингизга жавоб бермоқдин аввал билмоғим жоиз бўлган нарсалар бор.

— Бахонидил... — рози бўлибди киши.

— Ёшлигингиздаги касби-корингиз, ҳозирги юмушингиз ҳусусинда сузлаб берингиз.

Киши бир зум сукут сақлади, сунг суз бошлади:

— Ҳазрат, ёшлигим бесаранжом утди. Отамнинг илм ол дея койишларига асло инобат қилмадим. Ёшим улгайиб, аввал, ҳаммоллик қилдим. Уйланиб, оила тебратишга қувватим етмай, нопоклик йулига кирдим... Мен кирмаган кучанинг узи қолмади...

— Сиз эккан дарахтингизнинг мевасидан бахраманд бўлишга мажбурсиз. Унинг аччиқлиги ҳам, ширинлиги ҳам меҳнатингиз, меҳр-муруватингиз оқибатидандур. Уғлингиз неча ёшда? — деб сурадилар Абу Толиб суз сунгиди.

— Йигирмани қоралади.

— Ани тўғри йулга солмоқликка вақт бор экан. Ани менинг ҳузуримга юборинг...

Хулосаси: эй ўғил, фарзандингни тарбиялашдан аввал сен узингни тарбияла. Тарбия курган оилада тарбияли, фазилатли, билимли киши балоғатга етгай. Шундай нақл бор: урнинг боласи тўғри бўлмас, агар ул ота фарзанди бўлса...

Ғойибдан овоз келди:

— Ҳузурингга борган киши мен эдим... Одамларни тарбияти ва тарбияси учун сенга ваколат бераман...

Абу Толиб ҳазратлари узларининг минг бир маслаҳатларини шу тариқа қоғозга туширдилар.



Қиш. Суратқаш Солиҳ ЗОИР

Моҳи хола анча касалманд аёл эканлиги кўпчиликка аён. Бирор оғирроқ юмуш бажаргудек бўлса, дарров тинкаси қуриб, ранги оқариб кетади. Аммо шунга қарамай ниҳоятда меҳнатқаш.

У ишхонамизга келиш-ю жонимиз кириб қолди. Хоналар доим тоза, сувдонларда янги сув, чекувчиларнинг кулдони озода...

— Озроқ дам олинг, — дейишади гоҳда ишхонадагилар ачиниб.

— Хавотир олманглар, болаларим, ҳозир ҳаммаси ўтиб кетади, — дея бироз тин олади-да, яна уз ишига киришади.

— Хола, мунча уринма-

сангиз, қариганда шунча ташвиш сизга зарурмиди, — дейман унга раҳим келиб.

— Э болам, утириб урганмаганман. Болаларим ҳали ёш. Рузгорнинг kami-кусти оз дейсизми?

олиб қочади.

Бир неча кундан кейин эшитсам, Моҳи холанинг катта ўғли Акбар кайф устида шахсий машинасини уриб олибди. Зарар курган машинага талайгина ача сарфлаб, янгилаб берибди...

Уйга қайтаётганимда, негадир яна Моҳи хола ни уйлардим. Хаёл билан кучани кесиб ўтаётган эдим, шундай олдидан бир машина тўсатдан овоз чиқариб ғизиллаганича ўтиб кетди. Қарасам, уни фаррошимизнинг ўғли гердайиб бошқариб борарди...

Ислом УСМОНОВ

## • Турмуш чорраҳаларида

### ФАРРОШИМИЗНИНГ ЎҒЛИ

— Катта ўғлингизнинг топиш-тутиши бинойидай-ку!

— Унинг ойлиги уз йулига Кичикларини жой-жойига қўйишим керак...

— Болаларни уйлайвериб, узингизни толиқтириб қўймангда? — дейман.

— Биламан, аҳволим узимга ҳам аён. Аммо... Ҳозир шундай қилишга мажбурман, — дея у мендан кузларини

## ПАНДЕМАВИЯНИНГ НАСҲАТЛАРИ

Турт тоифа одамларни Тангри ёмон куради: қасамхўр савдогарни, такаббур камбағални, зинокор кексани ва золим подшоҳни.

Одамларга яхшилик қилиш ва қариндошлар билан яқин алоқада бўлиб ҳол-аҳвол сўрашиб туриш — бу савоби тез тегадиган хайрли ишлардандир. Зулм ва қариндошлардан узилиб кетишлик эса жазоси тез билинадиган ёмон ишлардандир.

Ҳамма ишларингизда тўғри булинг, одамларга муомалада ҳулқингиз чиройли бўлсин!

Одамларга кенг қалбли булинглар!

шунда одамлар ҳам сизларга шундай булурлар.

Бу дунёда одамларга қаттиқ азоб берадиган кишиларни Тангри қиёмат кунни қаттиқ азоблайди.

Аҳмоқдан узоқлашинг.

Беш хил хислатга қафил булинглар, токи мен ҳам сизлар учун жаннатга қафил бўлай: 1. Меросларингизни тақсимлашда бир-бирларингизга хиёнат ва зулм қилманглар. 2. Одамларга ўзларингизча инсоф қилинглар. 3. Душман билан бўладиган жангларда қўрқоқлик қилманглар. 4. Улжа тақсимотида хиёнат қилманглар. 5. Зулм қилувчилардан маълумлар ҳақини ундириб беринглар!

Бир одам таниш дўхтир-га бориб, маслаҳат сўрабди:

— Уғлим ичади, чекади. Ўзингиз унга яхшилаб насихат қилиб қўйсанингиз.

— Бўпти, ўғлингизни бошлаб келинг.

Ота ўғлини бошлаб келибди. Дўхтир бир олмани олиб, иккига бўлган экан, ичидан қўртлар чиқибди. Сигаретани эзгилаб, битта қўртнинг устига қўйган экан, қўрт қимирламай қолибди. Пивёладаги ароққа ташлан-

еган киши безориларнинг орқасидан қичқирибди:

— Мен сизларни бошлаб алдадим!

— Қандай қилиб?

— Мен Ҳаймовичман!

\*\*\*

— Буважон, сизга театр ёқдими? — деб сўради нелибди. Дўхтир бир олмани олиб, иккига бўлган экан, ичидан қўртлар чиқибди. Сигаретани эзгилаб, битта қўртнинг устига қўйган экан, қўрт қимирламай қолибди. Пивёладаги ароққа ташлан-

## ЯНГИ ЛАПТИФАЛАР

ган қўрт ҳам типирчилаб-типирчилаб, тинчиб қолибди, кейин дўхтир қўртларни туҳум устига қўйган экан, улар тирилиб кетибди.

— Хўш, тушундингми? — деб сўрабди дўхтир ўғилдан.

— Тушундим.  
— Нимани тушундинг?  
— Ичмасам, чекмасам, туҳумимга қўрт тушиб кетар экан.

Тунда бир одамнинг қаршидан уч киши чиқиб қолибди.

— Сен Рабиновичмисан?  
— Ҳа, шундай.  
Учовлон уни роса дуппослашибди.  
Анчадан кейин калтак

\*\*\*  
— Бошлиқ ҳузурига кирмоқчи эдим.

— У киши йуқлар.

— Ахир мен ҳозиргина кўрдиму у кишини.

— Аммо у сизни олдинроқ кургани-да!

\*\*\*  
Самолётга янги стюардессани ишга олишибди. Учувчилардан бири шеригига деди:

— Бориб қарайчи, қандай экан?

Қайтиб келиб деди:  
— Умуман дуруст, аммо ўзимнинг хотиним яхшироқ. Иккинчи учувчи ҳам бориб қуриб келди.

— Тўғри, чакки эмас, аммо ҳақиқатдан ҳам сенин хотининг яхшироқ!

МУАССИС: Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги

Бош муҳаррир: Шодмон ОТАБЕК

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ: Абдувоҳид ЖУРАБОВ Шухрат ЖАББОР

Анатолий КУДИНОВ  
Иязат АҲМЕДОВ  
(Бош муҳаррир ўринбосари)  
Абдугани АБДУРАҲМОНОВ  
(Масъул котиб)  
Мирпўлат МИРЗО  
Рустам ҚОСИМОВ  
Ёкубжон ХУҶАМБЕРДИ  
Бобоҳон ШАРИФ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:  
Бўриной АҲМЕДОВ  
ОТАУЛИ  
Саидмаҳмуд АКБАРОВ  
Шохруҳ АКБАРОВ  
Меҳмонкул ИСЛОМКУЛОВ  
Тўлқин ЛУТФУЛЛАЕВ  
Тоғай МУРОД

МАНЗИЛИМИЗ: 700000 Тошкент-35, А. Толстой кўчаси, 1. ТЕЛЕФОНИМИЗ: 136-36-42, 136-35-29, 144-29-09. ИНДЕКС: 64600 ЖУМА КУНЛАРИ ЧИКАДИ

Мухарририятга келган кўл ёзмалар (2 ораликда, 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди. Мақолалардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар зиммасидадир.

Рўйхатга олиш №000011. Буюртма № Г-0654. 8954 нусхада чоп этилди.  
Офсет усулида босилди. Бичини А-3, ҳажми 1 босма табоқ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБAA КОНЦЕРНИ БОСМАХОНАСИ.  
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6

ДУШАНБА, 29

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонги дам олиш дастури. 8.00-8.30 «Афсонам».

12.15 «Олимпиа оранга». 12.35 «Кундуз тоғонинг киссалари». Мультсернал.

18.00 Кўрсатувлар дастури. 18.05 «Кундалик».

22.30 Эълонлар. 22.35 «Замонавий дизайн».

СЕШАНБА, 30

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонги дам олиш дастури.

8.25 Республика газеталарининг шарҳи. 8.40 Болалар учун «Тоған топақ».

12.35 «Кундуз тоғонинг киссалари». Мультсернал.

18.00 Кўрсатувлар дастури. 18.05 «Дароҳи».

22.30 Эълонлар. 22.35 «Замонавий дизайн».

7.30-9.00 18.20-21.35

21.35 «Нима учун қиш бўлади?» Фильм-концерт. Россия давлат телевидениеси.

17.10-18.45 Туркия телевидениеси. 18.45 Кўрсатувлар тартиби.

ЧОРШАНБА, 31

4.55 Муборак Рамазон тухфаси. «Ният хайр, оқибат хайр». Бадий фильм.

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 «Бун, эн аржон!».

22.05 «Хамма кўриш шарт эмас...». 22.35 «Янги йил тартиби».

23.40 Эълонлар. 23.45-00.05 «Айбуғи».

ПЯШАНБА, 1

4.45 Муборак Рамазон тухфаси. «Ботмагон кўйи». Бадий фильм.

12.35 «Кундуз тоғонинг киссалари». Мультсернал.

18.00 Кўрсатувлар дастури. 18.05 «Дароҳи».

22.30 Эълонлар. 22.35 «Замонавий дизайн».



10.05 «Аппомиш олоғлари»: Спорт дастури. 10.25 «Кундуз тоғонинг киссалари».

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.05 «Кундалик».

22.30 Эълонлар. 22.35 «Замонавий дизайн».

ШАНБА, 3

4.45 Муборак Рамазон тухфаси. «Азиз Мақдуд йўли».

12.35 «Кундуз тоғонинг киссалари». Мультсернал.

18.00 Кўрсатувлар дастури. 18.05 «Дароҳи».

22.30 Эълонлар. 22.35 «Замонавий дизайн».

ЖУМА, 2

4.55 Муборак Рамазон тухфаси. «Туташ диллар».

12.35 «Кундуз тоғонинг киссалари». Мультсернал.

18.00 Кўрсатувлар дастури. 18.05 «Дароҳи».

22.30 Эълонлар. 22.35 «Замонавий дизайн».

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонги дам олиш дастури.

12.15 «Олимпиа оранга». 12.35 «Кундуз тоғонинг киссалари».

18.00 Кўрсатувлар дастури. 18.05 «Кундалик».

22.30 Эълонлар. 22.35 «Замонавий дизайн».

ЯКШАНБА, 4

4.55 Муборак Рамазон тухфаси. «Раисбек».

12.35 «Кундуз тоғонинг киссалари». Мультсернал.

18.00 Кўрсатувлар дастури. 18.05 «Дароҳи».

22.30 Эълонлар. 22.35 «Замонавий дизайн».

ПАШАНБА, 5

4.55 Муборак Рамазон тухфаси. «Туташ диллар».

12.35 «Кундуз тоғонинг киссалари». Мультсернал.

18.00 Кўрсатувлар дастури. 18.05 «Дароҳи».

22.30 Эълонлар. 22.35 «Замонавий дизайн».

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонги дам олиш дастури.

12.15 «Олимпиа оранга». 12.35 «Кундуз тоғонинг киссалари».

18.00 Кўрсатувлар дастури. 18.05 «Кундалик».

22.30 Эълонлар. 22.35 «Замонавий дизайн».

ШАНБА, 6

4.55 Муборак Рамазон тухфаси. «Туташ диллар».

12.35 «Кундуз тоғонинг киссалари». Мультсернал.

18.00 Кўрсатувлар дастури. 18.05 «Дароҳи».

22.30 Эълонлар. 22.35 «Замонавий дизайн».

ЯКШАНБА, 7

4.55 Муборак Рамазон тухфаси. «Туташ диллар».

12.35 «Кундуз тоғонинг киссалари». Мультсернал.

18.00 Кўрсатувлар дастури. 18.05 «Дароҳи».

22.30 Эълонлар. 22.35 «Замонавий дизайн».

